ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.B.53.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ГЕНОМИКА ВА БИОИНФОРМАТИКА МАРКАЗИ

СОЛИЕВ АЪЗАМЖОН БАҲОДИРОВИЧ

ТУРЛИ БИОЛОГИК МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН ФАРМАКОЛОГИК ФАОЛ МОДДАЛАРНИНГ СТРУКТУРАВИЙ ФУНКЦИОНАЛ ТАДҚИҚОТЛАРИ ВА УЛАРНИ АНИҚЛАШНИНГ САМАРАДОР УСЛУБЛАРИНИ ЯРАТИШ

03.00.14 – Геномика, протеомика, биоинформатика (биология фанлари)

БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент– 2020

УЎК:573:579.68.579.22:543.544.5.068.7.54.07

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)
Content of dissertation abstract of doctoral dissertation (DSc)

Солиев Аъзамжон Баҳодирович
Турли биологик манбалардан олинган фармакологик фаол моддаларнинг структуравий функционал тадқиқотлари ва уларни аниқлашнинг самарадор услубларини яратиш 3

Солиев Аъзамжон Баходирович
Структурно-функциональные исследования фармакологически активных веществ из различных биологических объектов и разработка эффективных методов их определения 25

Soliev Azamjon Bakhodirovich
Structural and functional investigations of pharmacologically active compounds from various biological objects and development of effective methods for their determination 46

Эълон қилинган мақолалар рўйҳати
Список опубликованных статьей
List of published papers 50

ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.B.53.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ГЕНОМИКА ВА БИОИНФОРМАТИКА МАРКАЗИ

СОЛИЕВ АЪЗАМЖОН БАҲОДИРОВИЧ

ТУРЛИ БИОЛОГИК МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН ФАРМАКОЛОГИК ФАОЛ МОДДАЛАРНИНГ СТРУКТУРАВИЙ ФУНКЦИОНАЛ ТАДҚИҚОТЛАРИ ВА УЛАРНИ АНИҚЛАШНИНГ САМАРАДОР УСЛУБЛАРИНИ ЯРАТИШ

03.00.14 – Геномика, протеомика, биоинформатика (биология фанлари)

БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

Докторлик диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.DSc/B46 рақам билан рўйҳатга олинган.

Диссертация Геномика ва биоинформатика марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.genetika.uz) манзилига ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталининг www.ziyonet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Адилова Азодахон Тешабоевна**
биология фанлари доктори

Расмий оппонентлар: **Убайдуллаева Хуршида Абдуллаевна**
биология фанлари доктори

Мухамедов Рустам Султонович
биология фанлари доктори, профессор

Курбанбаев Илхам Джуманазарович
биология фанлари доктори

Етакчи ташкилот: **ЎзР ФА Биоорганик кимё институти**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Фанлар академияси Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.B.53.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил « 8 » октябрь куни соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111226, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Юқори-юз п/б, Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти мажлислар зали. Тел.: (99871) 264-23-90, факс: (99871) 264-22-30. E-mail: igebr@academy.uz, genetics@uzsci.net, gen@inst.gov.uz.

Докторлик диссертацияси билан Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____рақами билан рўйҳатга олинган). Манзил: 111226, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Юқори-юз п/б, Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти. Тел.: (99871) 264-23-90, факс: (99871) 264-22-30.

Диссертация автореферати 2020 йил «_____» _____ куни тарқатилди.

(2020 йил «_____»_____даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.А. Наримонов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, қ/х.ф.д. проф.

Б.Х. Аманов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, б.ф.д.

Ш. Юнусханов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси б.ф.д., проф.

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда инсон саломатлигига хавф соладиган касаллик турларининг ортиб бориши янги фармакологик дори препаратларини яратишга бўлган эҳтиёжнинг ҳам йилдан-йилга кенгайишига олиб келмоқда. Айниқса, сўнгги йилларда мавжуд фармакологик препаратларнинг организмга таъсирини камайиши яратилаётган янги дори препаратларини ўз вақтида ва тезкор таҳлил қилиш чораларини излаб топишни талаб этмоқда. Бу ўринда, турли биологик манбалардан олинган фармакологик фаол моддаларнинг структуравий ва функционал хусусиятларини асослаш ҳамда уларни аниқлашнинг самарадор усулларини яратиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ҳозирги кунда жаҳон тиббиёт амалиётида *Ginseng* оиласига мансуб ўсимликлардан олинган доривор воситалари кенг қўлланилмоқда. Бу ўсимликлардан ажратиб олинган биологик фаол моддалар фармацевтика ва косметика саноатларида қувватни оширувчи, оғриқни қолдирувчи, қон босимини туширувчи, депрессияга қарши, шунингдек, гипотоник воситалар сифатида қўлланилади. Бундан ташқари, микроорганизмлар, хусусан, бактериялардан ажратиб олинган бир қатор бирикмалар, масалан, продигиосинлар, виоласеин, мариномицинлар рак (саратон) касалликларини даволашда самарадорлиги юқорилиги аниқланган. Клиник тадқиқотларда продигиосинларнинг олтмиш хилдан ортиқ саратон ҳужайраларига цитотоксик таъсир этиши исботланган. Бу борада дори воситаларининг ҳужайра ёки организмга таъсир этиш механизмлари ҳамда ҳужайра структураларидаги бирламчи нишонининг пайдо бўлишида бактериялардан табиий ҳолда бирикмаларни ажратиш; уларнинг сифат ва миқдорини янги усуллар ёрдамида баҳолаш; ажратиб олинган моддаларнинг фармакологик фаолликларини текшириш; танлаб олинган биофаол моддалар асосида янги дори воситаларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Республикамизда фармацевтика саноатини замонавий дори воситалари билан таъминлаш, турли биологик манбаалардан фармацевтик фаол моддаларни аниқлаш ва ажратиб олишга катта эътибор қаратилди. Бу борада, жумладан, фарм зоналар асосида фармацевтика саноати хомашё базаси кенгайтирилди, маҳаллий ўсимлик хомашёлари асосида юқори унум ва сифатга эга бўлган бир қатор янги дори воситаларини яратиш, кимёвий синтез асосида янги таъсирга эга бўлган субстанциялар олиш технологияларини такомиллаштириш бўйича муҳим натижаларга эришилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида[1] «...фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳолини ва тиббиёт муассасаларини арзон, сифатли дори воситалари билан таъминлаш» вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, янги дори воситаларини яратиш, уларнинг биологик фаолликларини аниқлаш ҳамда фармакологик моддаларни аналитик усуллар

[1]Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

ёрдамида тезкор аниқлашнинг самарадорлигини ошириш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 майдаги ПФ-5032-сон “Нукус-фарм”, “Зомин-фарм”, “Косонсой-фарм”, “Сирдарё-фарм”, “Бойсун-фарм”, “Бўстонлиқ-фарм” ва “Паркент-фарм” эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида”ги, 2017 йил 7 ноябрдаги ПФ-5229-сон «Фармацевтика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2911-сон «Республика фармацевтика саноатини жадал ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983-сон «Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича ҳорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи[2]. Дори воситаларини таҳлил қилиш ва табиий биологик фаол моддаларни аниқлашга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, The Universityof Tokyo (Япония), University of Illinois at Chicago (UIC) (АҚШ), University of Ottawa (UO) (Канада), Kochi University of Technology (Япония), Toyohashi University of Technology (Япония), University of Kyoto (Япония), Pukyong National University (Жанубий Корея), College of Chemistry, Jilin University (Хитой), Shanghai Jiao Tong University (Хитой), Norwegian University of Science and Technology (Норвегия), The University of New South Wales (Австралия), The Institute of Life Sciences (Исроил), University of California at San Diego (АҚШ), Ўсимлик моддалари кимёси ва Биоорганик кимё институтлари (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Дори воситаларини таҳлил қилиш ва табиий биологик фаол моддаларни аниқлашга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: женьшен тутган табиий доривор препаратлар таркибини тезкор аниқлаш усуллари такомиллаштирилган (University of Illinois at Chicago, АҚШ); женьшен гинсенозидларининг биологик ва фармакологик фаолликлари исботланган (Jilin University, Хитой); денгиз ва океан сувларидан бактериялар ажратиб олиш усуллари ишлаб чиқилган ва бактериялар продуцирлайдиган биологик фаол моддаларни аниқлаш ҳамда уларнинг кимёвий структураларини ўрнатиш усуллари такомиллаштирилган (Kochi University of Technology,

[2]Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи www.elsever.com, www.springerlink.com, www.sciencedirect.com, www.ncbi.nlm.nih.gov, https://www.researchgate.net ва б. манбаалар асосида ишланган.

Япония); денгиз ва океан сувлари таркибидаги бактериялар иккиламчи метаболитларининг фармакологик фаолликлари аниқланган (Pukyong National University, Жанубий Корея).

Дунёда табиий биологик фаол моддаларни ажратиб олиш ва уларни фармацевтика соҳасида қўллаш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: хусусан, ноанъанавий организмларни биотехнологик усуллар ёрдамида манипуляция қилиш орқали улар синтез қиладиган ноёб биологик фаолликка эга моддаларининг фармакологик таъсир доирасининг ички механизмларини аниқлаш; иккиламчи фармакологик фаолликка эга метаболитларни тезкор аниқлайдиган янги инновацион усулларни яратиш; сурункали касалликларни даволашда қўлланиладиган янги авлод табиий дори воситалари ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, генлар ассоциацияси орқали янги турдаги фармакологик фаол моддаларнинг синтезини амалга ошириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳорижнинг етакчи илмий марказларида женьшен оиласига мансуб ўсимликлар гинсенозидларининг кимёвий тузилишлари ва биологик фаолликларини аниқлаш, шунингдек уларни аниқлашнинг тезкор ва самарадор усулларини яратиш бўйича етакчи олимлар шуғулланишган (K. Jinno, Toyohashi University of Technology, Japan). Денгиз ва океанлар сувларидан ажратиб олинган бактериялар иккиламчи метаболитларининг фармакологик фаолликларини тадқиқ этиш бўйича бир қатор изланишлар олиб борилган (U. Lindequist, Institute of Pharmacy, Германия). Шунингдек, женьшен препаратлари ва субстанцияларини стандартлаш бўйича тадқиқотлар олиб борилган (В.А. Куркин, А.С. Акушская, Самара давлат университети, Россия)

Мамлакатимизда турли хил биологик манбалардан ажратиб олинган биологик ҳамда фармакологик фаолликка эга бўлган препаратларни кенг қамровли тадқиқот ишлари Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Ўсимлик моддалари кимёси ва биоорганик кимё институти олимлари (А.И.Исмоилов, Ш.С.Азимова, Н.З.Мамадалиева, А.Д.Матчанов, Д.Н.Далимов, М.Б.Ғофуров) ва бошқа бир қатор олимлар томонидан олиб борилган.

Шунга қарамай, янги фармакологик номзод препаратларни, айниқса, саратон касаллигига қарши фаолликка эга бўлган бирикмаларни излаш, аниқлаш ва уларнинг хоссаларини ўрганиш, шунингдек, дори воситаларини аниқлашнинг янги усулларини яратиш ҳамда мавжуд усулларни такомиллаштириш борасидаги илмий изланишлар етарлича амалга оширилмаганлиги боис бу йўналишдаги тадқиқотларни олиб бориш долзарб, илмий-амалий аҳамиятга эга ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Геномика ва биоинформатика маркази илмий-тадқиқот ишлари режасининг Ф5-Т030 “Инновацион биотехнологияларни ривожлантириш учун устивор қишлоқ хўжалиги экинларининг геномларини тадқиқ қилиш”, АТЛ-10 «Ўзбекистонда

профессионал спортчиларда тақиқланган (допинг) бирикмаларнинг мониторинг тизимини яратиш» мавзусидаги фундаментал ва амалий лойиҳалари, шунингдек, 14-035 ва 14-051 Япония фан ва технологиялар қўмитасининг бошланғич технологик илмий-тадқиқот ишларини қўллаб-қувватлаш ҳамда Япония Халқаро Ҳамкорлик Марказининг инсон ресурсларини ривожлантириш фондлари томонидан ажратилган махсус грантлари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бактериал штаммнинг 16S рибосомал РНК геномини ажратиб олиш, уни фенотипик, генотипик белгиларини ва турли биологик манбаалардан олинган фармакологик фаол моддаларнинг кимёвий структурасини асослаш, уларнинг биологик фаолликларини аниқлаш ҳамда ушбу моддаларни аниқлашнинг самарадор усулларини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қизил пигмент продуцирловчи 1020R бактерия штаммини ажратиш ва турини аниқлаш учун молекуляр-генетик таҳлилларини ўтказиш;

штаммнинг 16S рибосомал РНК геномини ажратиб олиш ва унинг нуклеотидлар кетма-кетлигини аниқлаш;

Pseudoalteromonas бактерия оиласига мансуб 1020R штамми ишлаб чиқарадиган қизил пигментларини хроматографик усулда индивидуал бирикмаларини ажратиб олиш;

қизил пигмент индивидуал бирикмалари кимёвий структурасини ўрнатиш;

қизил пигмент ва унинг индивидуал бирикмаларининг рак ҳужайралари пролиферацияси жараёнига таъсирини аниқлаш;

бактериал пигментлар ва уларнинг индивидуал метаболитларини *in vivo* ва *in vitro* тизимларида апоптоз жараёнида иштирок этувчи ҳужайра ички молекулаларига таъсирини аниқлаш;

юқори босимли юқори самарадор суюқлик хроматографиясини қўллаган ҳолда женьшен ўсимлиги иккиламчи метаболитларини тез ва самарали аниқлаш усулини яратиш ва такомиллаштириш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида *Pseudoalteromonas* бактерия оиласига мансуб 1020R ва 520P1 штаммлари танлаб олинган ҳамда *Panax ginseng* (женьшень) оиласига мансуб ўсимликлардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг предмети *Pseudoalteromonas* бактерия оиласига мансуб 1020R ва 520P1 штаммларининг филогенетик ва генотипик таҳлилларини ўтказиш, ушбу бактерия штаммлари ишлаб чиқарадиган рангли бирикмаларни ажратиб олиш, уларнинг кимёвий структуралари ҳамда биологик фаолликларини ўрганиш, шунингдек, *Panax ginseng* (женьшень) оиласига мансуб ўсимликлар таркибидаги асосий биологик фаол метаболитлар миқдорини баҳолаш, ушбу метаболитларни турли хил дори препаратлари таркибида самарали равишда аниқлаш усулини ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда классик ва модификацияланган юқори самарадор суюқлик хроматографияси, юқори

самарадор масс-спектрометрия, ЯМР спектроскопия, ДНК таҳлилининг молекуляр-генетик усуллари, лаборатор шароитида бактерияларни кўпайтириш ва ажратишнинг микробиологик усуллари, тадқиқ этилаётган иккиламчи метаболитларнинг биологик фаолликларини аниқлашда *in vivo* ва *in vitro* тизимларида цитотоксик фаолликларини U932, HL-60, K562 лейкемия саратон ҳужайраларида ҳамда протеинкиназа ва протеинфосфатаза каби сигнал трансдукция ферментларига таъсиридан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор махсус тузилган праймерлар асосида қизил рангли пигмент продуцирловчи бактериянинг штаммини аниқлаш учун бактериал геном 16S рибосомал РНК худуди ажратиб олинган ва унинг нуклеотид кетма-кетлиги ўрнатилган;

илк бор 16S рибосомал РНК гомологик кетма-кетлиги GenBank маълумотлар базасида BLAST усулида текширилиб, бактериянинг *Pseudoalteromonas* бактерия оиласига мансуб штамм эканлиги аниқланган;

илк бор юқори самарадор суюқлик хроматографияси усулида 1020R бактерия қизил рангли пигментининг таркиби 7 хил фармакологик фаолликка эга бирикмалардан иборат эканлиги аниқланган;

илк бора қизил рангли пигмент таркибидаги моддаларнинг кимёвий структуралари ЯМР ва масс-спектрометрик усулларни қўллаган ҳолда аниқланиб, улар 2-метил-3-пентилпродигининнинг гомологик ҳосилалари эканлиги исботланган;

Pseudoalteromonas 1020R ва 520P1 денгиз бактериялари рангли метаболитлари U937, HL60 ва K562 лейкоз ҳужайраларига қарши цитотоксик таъсирга эга эканликлари аниқланган;

пигментларнинг U937 лейкемия ҳужайраларидаги апоптотик маркёрларга кўрсатган цитотоксик таъсирини баҳолаш орқали уларни апоптотик жараёнларни индукциялаши исботланган;

in vitro тизимида *Pseudoalteromonas* 1020R ва 520P1 штаммлар пигментлари ҳужайра ички сигнал трансдукциясида иштирок этувчи бир қатор протеинкиназа ва протеинфосфатазалар фаоллигига ингибирловчи таъсир кўрсатиши асосланган;

Пигментларнинг апоптотик механизмлари уларнинг ҳужайра геном ДНК сини фрагментациялаши натижасида келиб чиқиши исботланган;

Пигментларнинг апоптотик механизмлари уларнинг протеолитик ферментлар ҳисобланган каспазалар фаолиятини фаоллаштириши ҳисобига ҳам содир бўлиши мумкинлиги аниқланган;

қизил пигмент индивидуал бирикмалари биологик фаолликлари улар структурасидаги ён алкил гуруҳи занжирининг узунлигига боғлиқлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

денгиз суви таркибидан 85 турдаги бактериялар штаммлари ажратиб олинган ва 13 бактерия штаммлари сиёҳранг ва бир штамм қизил ранг пигмент продуцирлаши аниқланган;

қизил рангли пигмент продуцирловчи, 16S РНК рибосомал оперон регионини кодловчи сиквенс асосида *Pseudoalteromonas* 1020R деб номланган денгиз бактериал штамми ажратиб олинган;

Pseudoalteromonas бактерия оиласига мансуб 1020R ва 520P1 штаммлари продуцирловчи қизил ва сиёҳранг пигментларини фармакологик мақсадларда саратон касаллиги учун препаратлар ишлаб чиқариш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

женьшень ўсимлиги иккиламчи метаболитларини юқори босимли ультра юқори самарадор суюқлик хроматографиясида тез ва самарали усулда сифат ва миқдорий жиҳатдан аниқлашнинг янги усули яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги экспериментал маълумотларни замонавий микробиологик, биокимёвий, физикавий ва молекуляр биология усуллари орқали олинганлиги ва уларни назарий маълумотларга мос келиши, натижаларга Стьюдент мезонлари ва Фишер дисперсион таҳлили (ANOVA) ёрдамида статистик ишлов берилганлиги, диссертация натижаларини етакчи хорижий журналларда чоп этилганлиги ҳамда амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти янги топилган бактерияларнинг генотипик ва фенотипик белгиларининг исботланганлиги, бактериялар продуцирлайдиган рангли пигментларнинг бактериялар ҳаётидаги ўрни ва уларнинг биологик ва фармакологик фаолликларининг асосланганлиги ва дори моддаларини аниқлашнинг самарадор усулларини яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти 1020R штамм бактериясининг Япониянинг биологик ресурслар марказида рўйҳатга олинганлиги, бактериялар продуцирлайдиган рангли пигментлар асосида фармакологик самарадор янги дори воситалари яратиш ҳамда юқори босимли самарадор суюқлик хроматографияси ёрдамида дори воситалари таркибини тезкор аниқлаш усулининг амалда муваффақиятли қўлланилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Турли биологик манбалардан олинган фармакологик фаол моддаларнинг структуравий функционал тадқиқотлари ва уларни аниқлашнинг самарадор усулларини яратиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ажратиб олинган 1020R бактериал штамми Япониянинг технология ва баҳолаш миллий институтининг биологик ресурслар маркази (http://www.nbrc.nite.go.jp/NBRC2/NBRCCatalogueDetailServlet?ID=NBRC&CAT=00107707&lang=jp) электрон базасида рўйҳатга олинган (NBRC, №107707). Натижада дунё олимлари, тадқиқотчилар ва магистрантларга ушбу бактерия штаммидан илмий ишлар олиб боришда фойдаланиш имконини берган;

Pseudoalteromonas бактерия оиласига мансуб штаммлар иккиламчи метаболитлари бўйича натижалар дунё тадқиқотчилар томонидан олиб

борилаётган ишларда фойдаланилган бўлиб, жами 165 дан ортиқ ҳорижий импакт фактори юқори журналларда чоп этилган илмий ишларда бактериялардан ажратиб олинган бирламчи ва иккиламчи метаболитларни кимёвий ва миқдорий жиҳатдан тавсифлаш, шунингдек антиоксидант, цитотоксик, микроб ва замбуруғларга қарши антибиотик фаолликларини аниқлашда фойдаланилган (*Frontiers in Microbiology*, 2017; 8: 1113, PubMed, IF-4.076; *Applied Microbiology and Biotechnology*, 2014, 98(9):3841-58, RG, IF-3.42; *Natural Product Reports* 31(2):160-258, PubMed, IF-11.014 ва ҳ). Натижада *Pseudoalteromonas* оиласи бактерияларининг кимёвий таркиби ва биологик фаолликлари тўғрисида маълумотлар олиш имконини берган;

женьшен иккиламчи метаболитлари – гинсенозидларни тадқиқ қилиш натижаларидан жами 69 дан ортиқ ҳорижий импакт фактори юқори журналларда чоп этилган илмий ишларда ҳамда диссертация ишида LC-MS ёрдамида гинсенозидларни идентификация қилишда фойдаланилган (*Natural Product Reports*, 2011, 28(3):467-97, RG, IF-11.014; *Analytica Chimica Acta*, 2011, 692(1-2):1-25, RG, IF-4.513; *Annual Review of Analytical Chemistry*, 2010;3:129-50, PubMed, IF-8.833). Натижада *Ginseng* туркум ўсимликларининг гинсенозидлари таркиби ҳамда уларни тез ва самарадор усулда аниқлаш бўйича маълумотлар олиш имконини берган;

Ginseng оиласи турларидан метаболитларини ажратиш ва уларни тез ва самарадор таҳлил қилиш усули М/УЗБ-КНР 09/2016 “Глицирризин кислотаси ва унинг ҳосилаларининг супрамолекуляр комплекслари структуравий хусусиятларини ўрганиш” мавзусидаги амалий лойиҳасида глицирризин ва унинг ҳосилаларини кимёвий идентификациялашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2018 йил 12 октябрдаги 4/1255-2699-сон маълумотномаси). Натижада ширинмия ўсимлигидан олинадиган глицирризин ва унинг ҳосилаларини юқори босимли самарадор суюқлик хроматографияси ёрдамида аниқлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та, жумладан, 4 та ҳалқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамалардан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 28 та илмий ишлар чоп этилган бўлиб, шулардан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола, жумладан, 9 таси республикада ва 4 таси ҳорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйҳати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 172 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган. Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари

тавсифланган. Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Табиий манбаалардан ажратиладиган биологик фаол моддаларнинг таҳлил усуллари»** деб номланган биринчи бобида биологик фаол моддаларни таҳлил қилишда ишлатиладиган турли хил хроматографик усуллар кенг ёритилган. Бунда юпқа қатлам хроматографияси, газ хроматографияси каби умум эътироф этилган усуллар билан бир қаторда асосий эътибор аналитик кимёда энг кўп ишлатиладиган ЮССХда қилинадиган таҳлилларга қаратилади. Адабиётлар шарҳида турли хил табиий манбаалардан олинган биологик фаол моддалар, шунингдек, ушбу усул ёрдамида аниқланган баъзи бир дори воситаларини таҳлил қилиш келтирилган. Шунингдек, юқори босимли юқори самарадор суюқлик хроматографияси усулида женьшень ўсимлиги стандарт метаболитлари намуналарини аниқлаш ва идентификация қилиш усулини яратиш ва оптималлаш, уларни сифат ва миқдорий жиҳатдан аниқлаш, ушбу метаболитлар тутган турли хил женьшень настойкалари ва дори препаратлари таркибини хроматографик усулда аниқлаш ва амалиётда қўлланилиши ҳақида атрофлича ёритилган.

Диссертациянинг «**Табиий манбаалардан биологик фаол моддаларни ажратиш ва ўрганиш**» деб номланган иккинчи бобида табиий манбаалардан биологик фаол моддаларни ажратиб олиш ва уларнинг биологик ҳамда фармакологик фаолликларини ўрганиш бўйича атрофлича маълумотлар келтирилган. Унда хусусан, океан ва денгизлар экосистемасидан ажратиб олинаётган биологик фаол моддалар ҳақида ҳам атрофлича фикрлар юритилган. Океан ва денгизларда яшовчи микроорганизмлар ва улар продуцирловчи иккиламчи метаболитлар, ушбу моддаларнинг биологик ҳамда фармакологик фаолликларини ўрганиш ва уларни инсон ҳаётининг турли соҳаларига жалб этиш ҳақида кенг ва батафсил маълумотлар берилган. Шунингдек, ушбу бобда женшень ўсимлиги метаболитлари, уларнинг тиббиёт ва косметика соҳасида ишлатилиниши борасида ҳам маълумотлар берилиши билан бир қаторда унинг асосида тайёрланадиган дори воситаларининг нечоғлик қалбакилаштирилиши ва унинг олдини олиш чора-тадбирлари бўйича дунё миқёсида қилинаётган ишларнинг шарҳи ҳам бериб ўтилган.

Диссертациянинг «**Тажриба қисми**» деб номланган учинчи бобида диссертация иши юзасидан олиб борилган барча тажрибалар ва уларда ишлатилинган кимёвий реагентлар, китлар, тажриба жараёнлари хусусида атрофлича ёритилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқотларнинг натижалари ва уларнинг муҳокамаси**» деб номланган тўртинчи бобида диссертация иши юзасидан

олиб борилган барча тадқиқотлар атрофлича муҳокама этилиб, олинган натижалар юзасидан фикр-мулоҳазалар бериб ўтилган. Хусусан, ушбу бобнинг қизил пигмент продуцирловчи 1020R штамминнинг таксономик муносиблигини аниқлаш, штамм ажратадиган қизил пигментни ажратиб олиш усулларини оптималлаш, пигмент таркибидаги индивидуал кимёвий бирикмаларни ажратиб олиш ва уларнинг кимёвий структураларини ўрнатиш борасида қилинган ишлар кенг ва атрофлича ёритилган.

1020R штамминнинг морфологик ва биокимёвий таснифлари Techno Suraga Co., Ltd. (Шизуока, Япония) компанияси томонидан ўрганилди. Натижада 1020R штамми чўзинчоқ шаклли (0,7-0,8×1,5-2,0 мкм) грамм-негатив бактериялар оиласига мансублиги аниқланди.

Таблица 1

1020R бактериал штамминнинг таксономик муносиблигини аниқлаш учун ишлатилган праймерларнинг нуклеотид кетма-кетликлари ва Тэр ҳарорати.

Праймер номи	Кетма-кетлик	Тэр
RV03	5’-aaggaggtgatccagccgca-3’	72
r3L	5’-ttgcgctcgttgcgggact-3’	72
r1L	5’-gtattaccgcggctgctgg-3’	72
FW07	5’-agagtttgatcctggctcag-3’	68
f2L	5’-ccagcagccgcggtaatag-3’	72
f2.2L	5’-tgcgtagagatctgaaggaa-3’	66
f3L	5’-gtcccgcaacgagcgcaac-3’	74

Штаммнинг таксономик муносиблигини аниқлаш учун унинг 16S рРНКси QIAamp ДНК Mini Kit (QIAGEN) ёрдамида ажратиб олиниб, нуклеотидлар кетма-кетлиги ПЗР ёрдамида кўпайтирилди. ПЗР маҳсулотлари QIAquick (QIAGEN) кит ёрдамида экстракциялаб тозалаб олинди.



1-расм. 1020R штаммини бошқа денгиз бактериялари билан яқинлигини ифодаловчи филогенетик дарахт. Қавс ичидаги рақамлар бактериал штаммнинг GenBank маълумотлар базасидаги тартиб рақамини билдиради.

Кенг таксономик гуруҳларга мансуб микроорганизмларга тегишли 16S рРНК генларининг юқори даражада хилма-хиллигини эътиборга олиб,

тадқиқотларимизда бир неча хил праймерлар гуруҳи ишлатилди. Улар E. coli 16S рРНК генининг 8 дан 27 гача ва 1542 дан 1522 нуклеотидларигача мос келувчи форвард (FW07) ва реверс (RV03), Hiraishi (1992) томонидан таснифланган прокариотлар учун универсал ички f2L, f3L, r1L, r3L праймерлари ва f2L праймери асосида олинган маълумотларнинг етарли эмаслиги сабабидан ушбу тадқиқот учун махсус яратилган f2.2L праймеридан фойдаланилди (табл. 1).

16S рРНКни кодловчи рибосомал оперон қисмини сиквенслаш натижалари, шунингдек, «neighbor-joining» алгоритми асосида олиб борилган филогенетик таҳлиллар 1020R штаммини *Pseudoalteromonas* бактерия оиласига мансублигини кўрсатди (1-расм).

У Японияниг технология ва баҳолаш миллий институти (National Institute of Technology and Evaluation, NITE)нинг биологик ресурслар маркази (National Biological Resource Center, NBRC)да NBRC 107707 рақам билан рўйҳатга қўйилди.

Пигмент метаболитларини ажратиб олиш учун 1020R штаммини аввал 5 мл LB-SW муҳити бўлган пробиркада, сўнгра 30 мл LB-SW муҳитли 200 мл колбада шундан сўнг 200 мл LB-SW муҳити бўлган 500 мл колбада 28°С ҳароратда 7-8 кун давомида ўстирилди. Бактериялар ўсиши учун оптимал муҳит pH=7,0 эканлиги аниқланди.

1020R штаммидан ажратиладиган қизил пигментнинг миқдори 4,27 мг/л дан 14,58±0,45 мг/л гачани ташкил этиши аниқланди.

Олиб борилган тадқиқотлар 1020R штамми продуцирлайдиган қизил пигмент уни камида етти хил моддадан иборат бўлишлигини кўрсатди (2-расм).



2-расм. 1020R штаммидан ажратиб олинган қизил пигментнинг ЮССХ таҳлили. Хроматографик шароитлар: Shiseido Nanospace SI-2 хроматографи, колонка: ODS CapcellPak C-18 MGII (1,5 мм×150 мм); мобил фаза: CH_3OH/H_2O – 50/50 (о/о) + 0.2% CH_3COOH; колонка ҳарорати-40°С; оқим тезлиги 100 мкл/мин.

Структуравий тадқиқотлар учун экстракция қилиб олинган пигментларни стационар фазаси аввал силикагел, кейин эса октадецилсилан (ОДС) бўлган колонкали хроматография усулида фракцияларга ажратиб олинди. Бунинг учун тахминан 9 мг тозаланмаган қизил пигментни 5 мл $CHCl_3$ да эритилиб, аввал 2,5×52 см ўлчамдаги ичи Вакогель С200 ёки YMC-Gel Silica 12 нм S-150 μм билан тўлдирилган ва хлороформда мувозанатга келтирилган колонкада, сўнгра эса ОДС колонкали хроматография индивидуал фракцияларга ажратиб олинди. Структура тадқиқотлари учун Р-2, Р-4, Р-5 ҳамда Р-6 моддаларидан етарли миқдорда йиғишга эришилди. *Pseudoalteromonas* 520P1 денгиз бактериал штамми продуцирлайдиган виоласеин ҳам продигиосинлар каби бир хил усулда ажратиб олинди.

Индивидуал ҳолда ажратиб олинган бирикмаларнинг кимёвий структураларини масс-спектрометрия (ESI-FTMS) ва ЯМР спектроскопия, шу жумладан ^{1}H-ЯМР, ^{13}C-ЯМР, DEPT, HMQC, HMBC, NOESY, COSY ва TOCSY каби физик-кимёвий усулларни қўллаш орқали аниқланди. ESI-FTMS таҳлиллари (3-расм) барча бирикмаларда 252 m/z масса зарядли фрагмент борлигини кўрсатди. Ушбу масса заряди барча бирикмаларда пирролипиррометен, яъни продигинин ядроси структураси мавжуд бўлиши мумкинлигини кўрсатди.

2, 4, 5 ва 6-пигментларнинг MS/MS спектрлари мос равишда квазимолекуляр ион $[M+H]^+$ пикларига тегишли бўлган *m/z* 295, 310, 338 ва 352 масс фрагментларининг мавжудлигини кўрсатди. Бундан ташқари, *m/z* 295, 309, 323 ва 337 масса фрагментлари мос равишда 2, 4, 5 ва 6-пигментлар метоксил гуруҳидан CH_3 фрагментининг чиқиб кетишидан ҳосил бўлган, деб тахмин қилинди (3-расм). Бу эса 2, 4, 5 ва 6-пигментлар бир хил структуравий скелетга ва турлича узунликдаги ён алкил занжирига эгалигидан далолат беради $(CH_2)_nCH_3$ (n = 3, 4, 5 ва 6).

2, 4, 5 ва 6-пигментларнинг ^{1}H-ЯМР спектрида кучли магнит майдонида NH гуруҳ, олти пирроль алкалоидлари H сигналлари, битта метоксигуруҳ ва бешта алкил занжирлари гуруҳи протонлари кузатилди. Ушбу маълумотлар пирролипиррометен структураси мавжудлигига етарлича асос бўлди.

^{13}C-ЯМР таҳлили ҳам С-ҳалқадаги ва алкил занжирдаги метил гуруҳлари сигналларидан фарқли равишда метоксигуруҳ мавжудлигини кўрсатди. Охирги узил-кесил маълумот метокси ва метил гуруҳлари мавжудлигини тасдиқлаган, шунингдек, С-3 ҳолатида 2D ўлчамда сигналларни қоплаш орқали алкил занжири узунлигини турли углеводородлар радикали гуруҳига тенглигини исботлаган TOCSY таҳлили орқали олинди. ЯМР тадқиқотларда 2, 4, 5 ва 6-пигментлар учун қуйидаги сигналлар олинди. Р-2, яъни 2-метил-3-бутилпродигинин бирикмаси учун:

^{1}**H-ЯМР** ($CDCl_3$, 400MHz) δ0.93 (3H, t, H-c4’’), 1.35 (2H, m, H-c3’’), 1.52 (2H, m, H-c2’’), 2.41 (2H, t, H-c1’’), 2.54 (3H, s, CH_3), 4.01 (3H, s, H-OCH_3), 6.09 (1H, d, H-b4), 6.36 (1H, m, H-a4), 6.69 (1H, d, H-c4), 6.92 (1H, m, H-a3), 6.96 (1H, d, H-1’), 7.20 (1H, m, H-a5), 12.72 (brs, H-NH-a), 12.56 (brs, H-NH-b);

^{13}**C-ЯМР** ($CDCl_3$, 101MHz) δ12.5 (c-CH_3), 14.1 (c4’’), 25.1 (c1’’), 32.2 (c2’’), 22.3 (c3’’), 58.7 (OCH_3), 92.8 (b4), 111.7 (a4), 116.0 (1’), 117.0 (a3), 121.0

(b2), 123.3 (a2), 125.2 (c5), 127.0 (a5), 128.4 (c4), 128.5 (c3), 147.1 (c2), 147.7 (b5), 165.8 (b3).



3-расм. Қизил пигмент индивидуал бирикмаларининг ESI-FTMS таҳлили.

Р-4, яъни 2-метил-3-пентилпродигинин (продигиосин) бирикмаси учун:

^{1}H-ЯМР ($CDCl_3$, 300MHz) 0.93 (3H, t, H-c5’’), 1.25 (4H, m, H-c3’’, H-c4’’), 1.58 (2H, m, H-c2’’), 2.40 (2H, t, H-c1’’), 2.55 (3H, s, H-c-CH_3), 4.00 (3H, s, H-OCH_3), 6.08 (1H, d, H-b4), 6.34 (1H, m, H-a4), 6.68 (1H, d, H-c4), 6.92 (1H, m, H-a3), 6.95 (1H, d, H-1’), 7.27 (1H, m, H-a5), 12.49 (brs, H-NH-a), 12.64 (brs, H-NH-b),

^{13}C-NMR ($CDCl_3$, 100MHz) 12.34 (c-CH_3), 13.97 (c5’’), 22.43 (c4’’), 25.25 (c1’’), 29.72 (c2’’), 31.36 (c3’’), 58.72 (OCH_3), 92.84 (b4), 111.66 (a4), 115.90 (1’), 117.04 (a3), 120.64 (b2), 122.17 (a2), 125.07 (c5), 126.80 (a5), 128.30 (c4), 128.37 (c3), 146.77 (c2), 147.64 (b5), 165.71 (b3).

Р-5, яъни 2-метил-3-гексилпродигинин бирикмаси учун:

^{1}H-ЯМР ($CDCl_3$, 300MHz) 0.89 (3H, t, H-c6’’), 1.30 (6H, m, H-c3’’, H-c4’’, H-c5’’), 1.61 (2H, m, H-c2’’), 2.38 (2H, t, H-c1’’), 2.54 (3H, s, H-c-CH_3), 4.00 (3H, s, H-OCH_3), 6.08 (1H, d, H-b4), 6.33 (1H, m, H-a4), 6.67 (1H, d, H-c4), 6.92 (1H, m, H-a3), 6.94 (1H, d, H-1’), 7.27 (1H, m, H-a5), 12.51 (brs, H-NH-a), 12.67 (brs, H-NH-b),

^{13}C-NMR ($CDCl_3$, 100MHz) 12.41 (c-CH3), 14.02 (c6’’), 22.85 (c5’’), 25.61 (c1’’), 29.16 (c2’’), 30.32 (c3’’), 31.90 (c4’’), 60.08 (OCH_3), 93.05 (b4), 111.70 (a4), 115.95 (1’), 117.16 (a3), 120.67 (b2), 122.17 (a2), 125.10 (c5), 126.95 (a5), 128.36 (c4), 128.47 (c3), 146.89 (c2), 147.66 (b5), 165.73 (b3).

Р-6, яъни 2-метил-3-гептилпродигинин бирикмаси учун:

^{1}H-ЯМР ($CDCl_3$, 300MHz) 6.08 (1H, d, H-b4), 6.35 (1H, m, H-a4), 6.67 (1H, d, H-c4), 6.92 (1H, m, H-a3), 6.94 (1H, d, H-1’), 7.23 (1H, m, H-a5), 12.50 (brs, H-NH-a), 12.70 (brs, H-NH-b).

Шуни алоҳида қайд этиб ўтиш жоизки, бу бирикмалар бир микроорганизмдан ажратиб олиниб, ЯМР спектроскопик тажрибалар асосида структуравий жиҳатдан таҳлил қилинган биринчи ишдир.

Аввалги тадқиқотларимизда *Pseudoalteromonas* бактерия оиласига мансуб 1020R ва 520P1 штаммларидан ажратиб олинган қизил ва сиёҳранг пигментлар ва уларнинг индивидуал бирикмаларининг U937, K562 ва HL60 оқ қон (лейкемия) касаллиги ҳужайраларига таъсири ҳамда уларнинг цитотоксик ҳоссаси молекуляр механизмларини протеинкиназа ҳамда протеинфосфатаза ферментларида ўрганилган эди.



4-расм. Продигиосин таъсирида U937 лейкемия ҳужайраларида ДНК молекуласининг фрагментациясини кўрсатувчи электрофореграмма. М – 200 жуфт асослардан ташкил топган ДНК-маркер; 1 – ишлов берилмаган U937 ҳужайра ДНКси; 2 – ДМСО; 3 ва 4 – продигиосин (Р-4) 10 мкМ ва 5 мкМ.

Тадқиқотларимизнинг давомида ўрганилаётган моддаларнинг қўшимча цитотоксик механизмларини тадқиқ этиш учун ушбу моддаларнинг ҳужайра геном ДНКсига таъсирини ўргандик. Тадқиқотларимизда U937 лейкемия ҳужайраларини продигиосин билан инкубация қилиниб, уларнинг ДНКси ажратилиб, агароза гели электрофореграммасида текширилганда унда ДНК молекуласининг «апоптоз нарвони» кўринди (4-расм). Бу эса пигментларнинг саратон ҳужайраларига цитотоксик таъсири остида айнан апоптотик жараён ётишлигини билдиради. Сабаби, айнан апоптоз жараёнида ДНК молекуласи, яъни нуклеосомалар орасининг парчаланиши юз беради. Бу эса ўз навбатида гелда турли хил ҳаракатланишга сабаб бўлган «нарвон» кўринишидаги ДНК

фрагментлари тўпламининг ҳосил бўлишини кўрсатади. Назоратдаги оддий ҳужайралар ДНКси массасининг юқорилиги боис бошланғич нуқтада қолади.

Худди шундай ҳолат виоласеин моддаси билан ҳам кузатилди. Фақатгина виоласеин 1 мкМ концентрацияда қизил пигментларга нисбатан янада кучлироқ ДНК фрагментациясини юзага келтирди.Апоптоз жараёнининг юзага келиш сабабларидан яна бири бу каспаза (цистеин-аспартат-протеиназа) протеиназа ферментлари фаолликларининг ошиши ҳисобланади. Фаоллашган ферментларни миқдорий жиҳатдан каспаза специфик субстратларининг парчаланишини ҳисоблаш орқали аниқлаш мумкин. Каспазалар ҳужайра ядросидаги бошқарув марказини издан чиқариши натижасида ДНКнинг репликация ва репарация жараёнлари тўҳтаб, унинг фрагментацияси бошланади, деб ҳисобланади. Бунда пептид боғларини узувчи аспартатдан кейин кўплаб маълум юқори ихтисослашган цистеин протеиназалар қаторида каспаза-3 фақатгина апоптозга учраган ҳужайралардагина фаоллашган ҳолатда бўлади.



5-расм. U937 лейкемиа ҳужайраларидаги каспаза-3 ферментларининг қизил пигмент индивидуал бирикмалари (P-2, P-4, P-5 ва P-6) таъсирида фаоллашиши тестлари. Ac-DEVD-pNA каспаза-3 субстрати, Z-VAD-FMK эса унинг ингибитори сифатида ишлатилди.

